

ТИЛШУНОСЛИКДА МАТН ТУШУНЧАСИНИНГ ТАДҚИҚИ ВА ТАХЛИЛИ

Ибрагимова Найира Анваровна

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари
университети, ф.ф.д. (PhD), доцент

АННОТАЦИЯ

Уибұ мақолада матн түшүнчесининг лингвистик таҳлили, матн атамасининг тадқиқот объекти сифатида үрганишии, унинг турлари кенг таҳлил қилинган. Шунингдек, матн атамасининг назарий методологик асослари ёритиб берилған.

Калит сўзлар: матн, вербал, нутқ, ёзма, белги, қисм, когезия, синтактика
бирликлар, прагматика.

ИССЛЕДОВАНИЕ И АНАЛИЗ ПОНЯТИЯ ТЕКСТА В ЛИНГВИСТИКЕ

Ибрагимова Наира Анваровна

Ташкентский университет информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразми, д.ф.н. (PhD), доцент

АННОТАЦИЯ

В данной статье подробно анализируется лингвистический анализ понятия текста, изучение термина текст как объекта исследования, его видов. Также разъясняются теоретико-методологические основы термина текст.

Ключевые слова: текст, вербальный, речь, письмо, знак, часть, связность, синтаксические единицы, прагматика.

RESEARCH AND ANALYSIS OF TEXT COMPREHENSION IN LINGUISTICS

Ibragimova Nayira Anvarovna

Tashkent University of Information Technologies named after Muhammad al-Khwarizmi, (PhD), Associate professor

ABSTRACT

The linguistic analysis of the concept of text, the study of the term text as an object of research, and its types are extensively analyzed in this paper. The theoretical and methodological foundations of the term text are also highlighted.

Key words: *text, verbal, speech, writing, sign, part, cohesion, syntactic units, pragmatics.*

КИРИШ

Матн барча тадқиқотчилар томонидан тилнинг энг олий ва мустақил бирлиги сифатида эътироф этилади. Матн қўпгина фанларнинг тадқиқот обьекти ҳисобланади. Жумладан, социо ва психолингвистика, функционал стилистика, коммуникация назарияси, нутқ актлар назарияси, лингвистик прагматика, ҳамда синтаксисдан ажралиб чиқиб, лингвистиканинг алоҳида йўналиши сифатида шаклланган матн лингвистикаси фанларида ўрганилади. Матнни ўрганувчи ушбу лингвистик ва нолингвистик фанлар ўзларига хос бўлган тадқиқот усулларидан фойдаланадилар, бу эса ўз ўрнида янги қарашни вужудга келтириб, тадқиқотнинг янги истиқболларини яратади.

Тилшуносликда матн нафақат тил феномени сифатида ўрганилган бўлиб, балки матнни тадқиқ қилишда мулоқот ҳолати, коммуникатив вазият ва муҳит, коммуникантлар ва уларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари, дунёқараши, ўзаро муносабатлар таҳлилиниң интеграциялашуви амалга оширилган. Шу тарзда, лингвистик ва экстралингвистик омиллар, ҳодисаларни ўзаро боғлиқликда ўрганишга қаратилган дискурсив лингвистика пайдо бўлган.

Ўзбек тилининг изоҳли лугатида матнга қуйидагича тариф берилади: “Ёзилган, қўчирилган ёки босилган ижодий, илмий асар, нутқ, хужжат ва шу кабилар ёки уларнинг бир парчаси; матн” [1]

МЕТОДОЛОГИЯ

Аксарият олимларнинг фикрича матн интра ва экстралингвистик ҳодиса бўлиб, у ахборот йиғиш, сақлаш ва узатиш, коммуникация, инсоннинг когнитив фаолиятини рағбатлантириш ва акс эттириш; тарихий жараёнлар, миллий анъаналар, менталитет ҳамда маданиятнинг ривожланиш шакли ҳисобанади. Матн деганда:

- нутқий ва фикрлаш фаолиятининг вербал ва белгилар ёрдамида (оғзаки ва ёзма шаклларда) акс эттирилган маҳсули;
- вазиятга вербал ва белгилар асосида акс эттирилган “реакция”;
- вазиятнинг билвосита белгиланган ва вербаллаштирилган ифодаланиши;
- нутқ ва фикрлаш маҳсули бўлиб, мазмун жиҳатидан якунланган ва ахборот яҳлитлигига эга;
- мавзу, тузилиш ва коммуникатив жиҳатдан уйғунликка эга нутқ ва фикрлаш маҳсули;

• экстраверсиялар (мисол учун, ёзиш қуроллари, қоғоз, аудио/видеоёзувлар ва х.к.) ёрдамида акс эттирилган, объектив мавжуд ҳодиса;

• ўзига хос предикатив бирлик бўлиб, унда предикация деганда муаллиф онгидаги ўз аксини топган дунё манзарасини ўраб турган воқеликка интерференция қилувчи вербал акт тушунилади, бунинг натижасида объектив жиҳатдан мавжуд реал оламнинг ўзгариши содир бўлади. [2]

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Замонавий тилшуносликда матнни ўрганишга бағишлиланган тадқиқотлардаги ёндашувларнинг хилма-хиллиги илмий фаолиятнинг кенг, долзарб ва интенсив ривожланаётганлигини қўрсатмоқда. Қадимий матнлар, нейрон тармоклар, сунъий интеллект ёрдамида ва ҳатто сунъий тилларда яратилган матнлар тадқиқот обьекти бўлиб хизмат қилиб, матнларнинг морфологик ва грамматик хусусиятлари ўрганилади, мураккаб синтактик бирликлар матн категорияси сифатида таҳлил қилинади.

Тилшунос Э.Қиличев «Матннинг лингвистик таҳлили» деб номланган китобида «Матн – ҳамма элементлари ўзаро зич алоқада бўлган ва автор нуқтаи назаридан маълум бир мақсадга йўналтирилган номинатив – эстетик ахборотни ифодаловчи мураккаб тузилма» деган таърифни келтиради. Тилшунос И.Расуловнинг фикрича, гапдан катта бирлик мураккаб синтактик бутунлик бўлиб, у фикран ва синтактик жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлган гаплар бирлашмасидан иборат. М. Йўлдошев матннинг ўзига хос белгилари сифатида ахборот бериш, мустақил гаплар ёки мураккаб синтактик бутунликдан ташкил топиши, таркибий қисмлар орасида мазмуний ва синтактик алоқаларнинг мавжудлиги, макон ва замон изчиллиги, яхлитлиги ва тугалланганлиги деб тарифлайди. [3]

Ю.А. Прохоров ўзининг илмий ишларида фено-матнларни тадқиқ қилиб, коммуникатив фаолиятга реал матнлар, лексик, морфологик, мантикий ва бошқа алоқалар натижасида пайдо бўлган квази-матнлар, яширин ёки латент матнлар (одатда адресат учун), коммуникация иштироқчилар учун номаълум (одатда реципиент учун номаълум) бўлган виртуал матнлар кишини таъкидлаб ўтган.

Бундай таснифларнинг ишлаб чиқилиши “матн” атамасининг ривожланиши ва чуқурроқ ўрганилишидан далолат беради. Ушбу атамани тадқиқ қилиш замонавий фанда унинг субъектлари бўлмиш муаллиф ва адресатларни ҳисобга олмасдан амалга оширилмайди.

Олимларнинг фикрича, матн учун энг муҳим белгилар боғлиқлик ва тугалланганлик ҳисобланади. Шунингдек, матннинг когерентлиги (яҳлитлиги, мазмунан боғлиқлиги) ҳам муҳим бўлиб, гапларнинг қисмларга ажралиши, матн делимитацияси (парчалаш) тамойиллари ҳамда матнда мавзу ва ремага оид ҳаракатлар схемалари фаол равишда кўриб чиқилган [4].

Тилнинг иерархик моделида матн олий бирлик бўлиб, хусусий белгилардан иборат, тартибга келтирилган тўплам ҳисобланади. И.Р. Гальперин матнни тафсифлашда унинг грамматик белгиларини асосий деб ҳисоблаган. Бу белгиларга матн қисмларининг тобелиги/мустакиллиги, ретроспективлик, шартланганлик, интеграцияланганлик, давомийлик (континуум), кетма-кетлик, қайта урғу бериш, чуқурлик (подтекст ёки субматн), предикативликнинг ўзига хос тури, информативлик (ахборотни етказиб бериш тўлалиги), прагматика каби белгилар киради [5].

Л.Н. Мурzinанинг фикрича, гапларнинг матнга бирлашиши матннинг базавий даражасидаги **инкорпорациялаш** (таркибиша қўшиш) универсал қонуни асосида амалга оширилади [6].

Инкорпорациялаш матн ясалишнинг асосий қонуни сифатида ахборотни кенгайтириш ва қисқартиришда ифодаланади, бу эса фикрнинг мавзу ва ремага оид тузилиши билан боғлиқ контаминация ва компрессияда ўз аксини топган.

Л.А. Киселева матнн тил бирликларининг энг олий поғонасига тегишли деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, матн – бу яҳлит, мураккаб тузилма ва тизим ҳисобланади [7].

Когезия матннинг семантик бирлигини таъминлайди. М. А. К. Хэллидей ва Р.Хасан 1976 йилда когезиянинг қўйидагича таърифлашган: “Когезия – бу аҳамиятли муносабатлар тўплами бўлиб, матнлар учун умумий ҳисобланади, матнни матн бўлмаган конструкциялардан фарқлайди ҳамда алоҳида қисмларнинг мазмунан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш воситаси бўлиб хизмат қиласди”. [8] Когезиянинг уч тури ажратилади: лексик (семантик такрорланиш), грамматик (референция, субституция ва эллипсис) ва оралиқ вазият (conjunction, яъни боғланиш).

Матннинг композицион жиҳатдан яқунланганлиги нутқ асарининг мантиқий кетма-кетлигини кўзда тутади [13]. Ҳар қандай матн – бу матн бирликлари бўлмиш фразалараро бирликларга бирлашган гаплар йиғиндиси. Матннинг ушбу бирликлари яҳлит асарни ташкил қиласди. Композиция даражасида гапдан сифат ва сон жиҳатдан фарқ қилувчи бирликлар ажратилади: боб, бўлим, параграф, фрагмент (парча), абзац (хатбоши), мураккаб синтактик бирлик

(бутунлик)/ суперфразали бирлик ва ҳ.к. Бундай дифференциация илмий дискурс матнлари учун долзарбдири [9].

Композицион бирлик сифатида тадқиқотчилар янги *субтекст* (*субматн*) терминини таклиф қилишган . Хусусан, Е.А. Баженова диссертация каби муҳим илмий матн турларидан бирини яхлит матннинг структуравий-семантик бирликларнинг, яъни субматнлар кетма-кетлиги, нисбати ва ўзаро таъсири сифатида таърифлаб, улар ёрдамида муаллиф адресатининг эътиборини шундай бошқарадики, ушбу асар ягона ва яхлит ёки ҳар бир субматн бутун матн доирасида унинг аҳамиятига қараб эътибор бераладиган иерархия деб қабул қиласи. [10]

Хатбоши матннинг анъанавий умумэътироф этилган бирлиги бўлиб, семантик ва композицион жиҳатдан бирлашган бир неча гапларнинг йифиндиси сифатида тавсифланади. Хатбоши одатда бир кичик мавзуга эга ва график нуқтаи назардан алоҳида ажратилади. Хатбошининг ҳажми асосан матннинг услугуга ва муаллифнинг индивидуал ёндашувига боғлиқ. Мисол учун, илмий матн учун бир бетда 3-6 хатбоши бўлиши тавсия қилинади. [11]

ХУЛОСА

Демак, матн ҳақида турли тушунчалар мавжуд бўлиб, матн тушунчасини талқин қилишда ягона таъриф қабул қилинмаган. Умуман олганда, *матн* бир мавзу остида бирлашган, гаплар кетма кетлигидан иборат, боғланиш хусусиятига эга бўлган маълумотлар йифиндисидир.

Мант турлари ва услублари кўп бўлиб, у турли белгилардан иборат, тугалланган асардир. Қайд этилган барча матн белгиларини ҳисобга олган ҳолда, матн бу ёзма ёки оғзаки шаклда ифодаланган, турли жанрлар билан боғлиқ ходисадир. Матн вазиятга қараб, хабар берувчига нисбатан бир шаклда такрорланувчи прагматик қарашлар ва муаллифнинг маълум муносабати билан тавсифланади.

REFERENCES

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М: Русский язык, 1981. – 452 б.
2. Красных В.В. Виртуальная реальность или реальная виртуальность. – М.: Диалог МГУ, 1998. – 352 с.
3. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари./<https://uz.denemetr.com/docs/769/index-315719-1.html>
4. Горелов И. Н., Седов К. Ф. Основы психолингвистики. – М.: Изд-во «Лабиринт», 2001. – 304 с.

5. Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. М., 1981. Изд. 4-е, стереотипное. – М: КомКнига, 2006. – 144 с.
6. Мурzin Л.Н. Основы дериватологии. Конспект лекций. – Пермь: Перм. ун-т, 1984. – 56 с.
7. Киселева Л.А. Об иерархии структуры высказывания // Вопросы грамматики русского языка. – Ленинград, 1971. – 352 с.
8. Хэллидей М., Хасан Р. Когезия в английском языке. – 1976. 195 с.// Halliday M.A.K., Hasan R. Cohesion in English. – London, 1976. – 195 p.
9. Откупщикова М.И. Синтаксис связного текста. – Ленинград: Изд-во “Наука”, 1982. – 250 с.
10. Баженова Е. А. Научный текст в аспекте политеクстуальности. – Пермь: Изд-во Перм.ун-та, 2001. – 272 с.
11. Комарова З.И. Методология, метод, методика и технология научных исследований в лингвистике: учебное пособие. – Екатеринбург: Изд-во УрФУ, 2012. – 818 с.
12. Dadaboyev, K., & Bakhronova, D. (2021). The linguistic formation of defense and engineering terms in Uzbek language. *Religación. Revista De Ciencias Sociales Y Humanidades*, 6(30), e210871. <https://doi.org/10.46652/rgn.v6i30.871>
13. Bakhronova, D. (2021). Words and culture. Language, globalization and interculturality. *Religación. Revista De Ciencias Sociales Y Humanidades*, 6(27), 239-246. <https://doi.org/10.46652/rgn.v6i27.781>